



## Basic concepts and content of recurrent crime

Sherzod KURBANOV<sup>1</sup>

University of Public Safety of the Republic of Uzbekistan

### ARTICLE INFO

**Article history:**

Received August 2022

Received in revised form

20 August 2022

Accepted 25 September 2022

Available online

25 October 2022

**Keywords:**

crime,  
criminal code,  
law,  
relapse,  
relapse,  
etc.

### ABSTRACT

The article considers recidivism, its signs and history of its formation, highlights the concepts of recidivism, views and judgments of legal scholars, develops author's definitions and provides theoretical conclusions on the topic.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss9/S-pp90-104>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Рецидив жиноятнинг асосий тушунчалари ва мазмуни

### АННОТАЦИЯ

**Калит сўзлар:**

жиноят,  
Жиноят кодекси,  
қонун,  
рецидив,  
рецидив жиноят  
ва бошқалар.

Мақолада рецидив жиноят, унинг аломатлари ва шаклланиш тарихи, рецидив жиноятга оид тушунчалар ҳуқуқшунос олимларнинг фикр ва мулоҳазалари ёритилиб, муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган ва мавзу юзасидан назарий хулосалар берилган.

## Основные понятия и содержание рецидивного преступления

### АННОТАЦИЯ

**Ключевые слова:**

Преступление,  
Уголовный кодекс,  
закон,  
рецидив,  
рецидивная преступность и др.

В статье рассмотрена рецидивная преступность, ее признаки и история ее становления, выделены понятия рецидивной преступности, взгляды и суждения ученых-правоведов, разработаны авторские определения и приведены теоретические выводы по теме.

<sup>1</sup> Independent Applicant, University of Public Safety of the Republic of Uzbekistan.

Рецидив жиноятлар тушунчаси жиноят-хуқуқий фан доирасида Туркистонда тадқиқ этилмаган. Россия томонидан ушбу ҳудуд босиб олингандан сўнг унинг айрим қисмларида мазкур давлатнинг жиноят судлов ишини олиб бориш тартиби қўлланилган. Шу билан бирга жиноят-хуқуқий фан доирасида рецидив жиноятлар тушунчаси Россияда 1917 йилдаги инқилобгача ва ундан кейин ҳам тадқиқ этилган [1]. Рецидив жиноятлар хавфининг кучайиши ва ушбу жиноятчиларни қаттиқроқ жазолаш зарурлигига кўрсатмалар 1919 йилдаги РСФСРнинг Жиноят ҳуқуқи бўйича бошқарув қўлланмада, 1922 йилдаги РСФСРнинг Жиноят кодексида, СССР Жиноят қонунчилигининг асосий қўлланмаларида [2], уларнинг талаблари, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг жиноят судлов ишини олиб борилишига ҳам тарқалган. Бироқ келажакда рецидив жиноятларга етарлича эътибор берилмади. Шахсга сиғиниш шароитида рецидив жиноятларга қарши курашиш муаммолари деярли кўриб чиқилмаган. Ўша вақтда рецидив жиноятларга ҳақиқий қарши кураш масаласи мамлакатимизда ушбу турдаги жиноятчилик йўқлиги ҳақида умумий баёнотлар билан алмаштириш тенденцияси кузатилади эди. Ушбу ёндашувни асослаб, баъзи тадқиқотчилар “илгари содир этилган жиноят учун судланганлик ёки жазони ўтаган пайтидан бошлаб катта ижтимоий хавф туғдирадиган вақтни кўйиш ижтимоий баҳони расмий баҳолаш йўлига киришини англатади, бу эса совет жиноят ҳуқуқи принципларига зид” [3] деб ҳисоблашган.

Янги минг йиллик шароитларида мамлакатимизда кўплаб жиноий-хуқуқий институтлар ва алоҳида тушунчалар қайта кўриб чиқилмоқда, жиноят қонунчилиги сезиларли даражада ўзгариб бормоқда, хусусан, рецидив жиноятларнинг қонуний таърифи қайта шаклланимоқда.

Ўтган асрнинг 30-йилларда рецидив жиноят тушунчаси Жиноят қонунининг асосий қўлланмасидан чиқариб ташланди. Шу билан бирга, юқорида айтиб ўтилганлар ушбу турдаги жиноятчиликка қарши курашга эътибор берилмаганлигини англатмайди. Масалан, 1926 йилдаги ЎзССР Жиноят кодексида қасддан одам ўлдириш ёки баданга жароҳат етказиш учун илгари судланган ва суд томонидан тайинланган ижтимоий ҳимоя чорасини ўтаган шахс томонидан қасддан одам ўлдиришига кучайтирилган жиноий жавобгарлик назарда тутилган (136-модда, б-банди). Шунинг учун ҳам Жиноят кодексида пора олганлик учун жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида илгари пора учун судланганлик ҳолатининг мавжудлиги тан олинган (117-модданинг 2-қисми).

Рецидив жиноят тушунчаси ва унинг турлари тўғрисидаги масала кўп йиллар давомида ҳуқуқий назарияда ишлаб чиқилган, аммо ҳуқуқшунос тадқиқотчилар орасида ушбу тушунчани баҳолаш ва талқин қилишда ягона фикр мавжуд эмас. Рецидив жиноятни содир этган шахсни рецидив жиноятчига, кўриб чиқиладиган ҳодисани эса – рецидив тоифасига киритишга имкон берадиган аломатларни танлаш бўйича аниқ таклифлар концепция билан боғлиқ равишда маълум даражада объектив тавсифга эга бўлган номувофиқликларни келтириб чиқаради, чунки “рецидив жиноят” тушунчаси жиноят ҳуқуқи, криминология, жиноят ижроия ҳуқуқи фанлари вакиллари томонидан қўлланилади. Шунга кўра, рецидив жиноятлар қонуний, криминологик ва пенитенциар турларга ажратилади.

Бундан ташқари, жиноий-хуқуқий рецидив жиноятларни тан оладиган олимлар орасида ушбу ҳодисанинг муҳим аломатлари тўғрисида ягона фикр мавжуд эмас. Жиноий-хуқуқий рецидив жиноятларни бир хил шахс томонидан

аввалги судланганидан кейин такроран жиноят содир этган тақдирдагина, аммо судланганлик муддати ўтган муддат ичида (агар судланганлик олиб ташланмаган бўлса) содир этилишини бир овоздан билдирган ҳолда, ушбу гуруҳ олимлари рецидив жиноятлар билан боғлиқ бўлган турли ҳолатларни баҳолашда фарқланади. М.А. Ефимов, М.Д. Шаргородский, В.А. Шкурко, агар шахс судланганидан ва биринчи (ёки олдинги) жинояти учун жазони тўлиқ ёки қисман ўтаб бўлганидан кейин такроран жиноят содир этса, бу ҳолатни рецидив жиноят деб ҳисоблашган [4].

Диссертация тадқиқотида “рецидив жиноят” атамаси биз томонимиздан фақат криминалогик маънода қўлланилади.

Шу билан бирга, илм-фаннинг битта соҳаси доирасида рецидив жиноят таърифидаги номувофиқликлар жуда сезиларли. Шунинг учун жиноят қонунчилигида белгиланган ва рецидив жиноятларни тавсифлаш учун турли муаллифлар томонидан тақлиф қилинган аломатларни батафсил кўриб чиқиш зарур. Айнан шу таҳлил биз қўйган вазифаларни ҳал қилишга имкон беради. Рецидив жиноятнинг қонуний тушунчасидан бошлайлик.

Масалан, П.Ф. Гришанин рецидив жиноятни ва уни содир этувчи шахсларни тавсифловчи ҳуқуқий аломатлар қаторига қуйидагиларни киритган:

- 1) айбланувчи томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиш;
- 2) айбдор шахсда иккинчи жиноят содир этилишидан олдин аввалги жинояти учун судланганликнинг мавжудлиги;

- 3) айбдор томонидан судланганликдан олдин ва кейин содир этилган жиноятларнинг қасддан содир этилиши [5].

Айрим назариётчилар – рецидив жиноятларни тадқиқ этувчи олимлар, агар судланган шахс ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин дарҳол иккинчи жиноятни содир этган бўлса, у ҳолда баён этилган нуқтаи назардан, у рецидив жиноятчи деб тан олинмайди, аммо ўн кундан кейин у колонияда содир этган жинояти уни рецидив жиноятчига айлантиради [6].

Бунга рози бўлиш қийин. Бизга В.И. Поповнинг бу борада ёзган фикрлари тўғри кўринади: “... тезкор жазонинг самарасизлиги суд томонидан белгиланган барча муддат тугашидан олдин аниқланиши мумкин эмас. Жазони тўлиқ ўташни талаб қилиш, такроран содир этилган жиноятни рецидив деб тан олиш шартли сифатида, рецидив жиноятчиликка қарши курашиш қонунлари ва амалиётига зид келади” [7]. Шундай қилиб, жазони ўташ (яъни, жазони ижро этиш учун маҳкумга нисбатан жазо тайинланиши) ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмай, балки унинг ҳаракатига давлат органи (суд) томонидан салбий баҳо берилиши бўлиши керак.

Шуни таъкидлаш керакки, 1994 йилги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидан олдин Ўзбекистон ССРнинг аввалги кодексларида (1926 йилдаги Ўзбекистон ССР Жиноят кодексидан бошлаб) фақат ўта хавфли рецидив жиноятчи ҳақида сўз юритилган. Шу билан бирга, ушбу даврда Ўзбекистон қонун чиқарувчиси (Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 231-моддаси) ушбу судлов иши олиб борилаётган шахсга нисбатан бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди [8].

1995 йил 1 апрелдан амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 34-моддаси 1-қисмида рецидив жиноятга қуйидагича қонуний таъриф берилган: “Шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади” [9].

Профессор М.Х. Рустамбаев таъкидлаганидек: “Бу умумий ёки оддий жиноятларнинг рецидивни, у иккита аломатга асосланади:

– қасддан янги жиноятни содир этиш;

– шахсда илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганликнинг мавжудлиги.

Айтишим керакки, бу аломатлар рецидивнинг барча уч турларига бир хил даражада хос, яъни ЎР ЖКнинг 34-моддасига мувофиқ оддий, хавfli ва ўта хавfli рецидив” [10].

Қонунчилик талқинидан рецидивнинг иккита асосий аломатни ажратиб олиш мумкин: *биринчидан*, бу шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятларни турли вақтларида содир этилиши; *иккинчидан*, илгари содир этганлиги жиноят учун судланганликнинг мавжудлиги. Бунда, шахс аввалги ҳукм бўйича жазони ўтаганми ёки йўқми муҳим эмас. Жазонинг ўталиши фақатгина рецидив жиноятчини озодликдан маҳрум этишга суд ҳукми эълон қилинган тақдирда жазони ижро этиш учун муассаса тури танланганда ҳисобга олинади.

Баъзи олимлар жиноятлар рецидивининг юқорида қайд этилган аломатлардан бирини, яъни илгари содир этилган жиноятлар ва янги содир этилган жиноятларнинг қасддан содир бўлишининг аломатини шубҳа остига қуйишган [11].

Дарҳақиқат, қонун жиноят тушунчасини белгилашда нафақат қасддан, балки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган қилмишни ҳам тан олади. Демак, қонунга кўра, жамият эҳтиётсизлик оқибатида ёки қасдан содир этилаётган тажовузлардан ҳам жинойий ҳуқуқий ҳимояга муҳтож. Бунинг асосида Т.М. Кафаров рецидивдаги жиноятнинг қасдан содир этилишини “эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятларни етарлича баҳоламаслик туфайли келиб чиқади” деб ҳисоблаган [12]. Аксинча, Ю.И. Шутовнинг таъкидлашича, “...рецидив нафақат юридик тушунча, балки субъектнинг кучайиб бораётган хавфини ифодаловчи ижтимоий тушунчадир, шунинг учун рецидив сифатида фақат ўн саккиз ёшга тўлганидан кейин шахс томонидан қасдан содир этилган жиноятларни ҳисобга олиш лозим, чунки айнан ушбу ҳолатлар кучайган хавф ҳақида далолат беради” [13]. Худди шу фикрни Ю.М. Ткачевский ҳам қўллаб-қувватлайди [14].

Бизнинг фикримизча, шахс ўн саккиз ёшгача ҳам кучайган ижтимоий хавфни юзага келтириши мумкин, чунки одам кичик ёшда ҳам ўз ҳаракатларининг ноқонунийлигини ва улар билан боғлиқ жинойий-ҳуқуқий оқибатларни англаб олиш қобилиятига эга.

ЎР ЖКнинг 34-моддаси 6-қисмида қуйидагича белигиланган: “Шахсни ўта хавfli рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги, шунингдек қонунда белгиланган тартибда судланганлик муҳлатларининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инобатга олинмайди”. Фаолияти ҳаёт ва соғлиққа қарши оғир зўравонлик рецидив жиноятларга қарши кураш олиб боришга боғлиқ бўлган респондентлар ўртасида ўтказилган сўровнома бизга шу хулосани чиқаришга имкон бердики, унга мувофиқ ЎР ЖКнинг 34-моддаси 6-қисмида белгиланган ёшни ЎР ЖКнинг 17-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ёшга мувофиқлаштириш зарур.

Илгари содир этилган жиноят учун судланганликнинг мавжудлиги ҳам рецидивнинг юридик аломати ҳисобланади. Судланганлик Россиядаги инқилобгача бўлган рус юристлари томонидан мажбурий юридик аломат сифатида тан олинган. Масалан, Н.Д. Сергиевский 1910 йилда шундай ёзган эди: “рецидив – бу битта шахс томонидан суддан кейин биринчи жинояти учун жазодан сўнг иккинчи, учинчи ва ҳоказо жиноий қилмишларни содир этиши” [15]. Судланганлик жиноят-ҳуқуқий тушунча сифатида шахс суд томонидан жиноят содир этганликда айбдор деб топилганлигини ва унга маълум бир жазо чораси қўлланилганлигини, бу эса муайян ҳуқуқий оқибатларни юзага келтирганлигини англатади.

М.А. Ефимов ва В.А. Шкурко суд томонидан айбланувчига биринчи марта озодликдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари ёки жарима тайинлаганлигидан қатъи назар рецидив жиноят-ҳуқуқий ходиса сифатида ўринсиз бўлади деб ҳисоблашган [16]. Ушбу ҳолатларнинг барчасида олдин ҳам жиноят-ҳуқуқий таъсирга дучор бўлган, бироқ такроран жиноят содир этган шахс ҳақида сўз юритилади, яъни ушбу шахс олдин давлат томонидан жазоланган ва шу сабабли бу ҳолатдан хулоса чиқариши керак эди. Агар бир нечта жиноятларни содир этган шахс бирон марта ҳам судланмаган бўлса, унда ҳеч ким унга нисбатан жиноий жазонинг қўлланилиши қандай таъсир кўрсатишини олдиндан била олмайди. Эҳтимол, бундай биринчи таъсир натижасида у жамиятга зид муносабатдан бутунлай халос бўлиши ва бошқа ҳеч қачон жиноят содир этмаслиги мумкин. Унга ишончсизликни фақат унинг кетма-кет бир нечта жиноятларни содир этганликда айбдорлиги сабабли билдириш ва уни рецидив жиноятчи деб ҳисоблаш адолатдан бўлмайди. Масалан, Б.С. Утевский рецидив жиноятни “жिनотчи томонидан илгари судланганлиги ёки жазони ўтаганлиги ёхуд ўтамаганлигидан қатъи назар, жиноятни такроран содир этиши” [17] сифатида кўрган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг амалдаги 34-моддаси 1-қисмида олдинги судланганликнинг мавжудлиги тўғрисида сўз юритилади.

Демак, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 34-моддасига мувофиқ рецидив жиноятларнинг аломатларини санаб ўтамиз.

**Биринчи аломат** – бу аввалги ва кейинги жиноятлар учун қасддан қилинган айбнинг шакли, яъни рецидив эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар, шунингдек қасддан ва эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар комбинацияси сифатида шаклланмаслиги керак.

**Иккинчи аломат** – илгари қасддан содир этилган жиноят учун судланганлик, маълумки, бу жиноятчини судлаш ва унга жазони тайинлаш омилининг маҳсули ҳисобланади.

**Учинчи аломат** – олдинги ва кейинги жиноят содир этилишида жиноятчининг ёши (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 34-моддаси 6-қисми).

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини ва 1991 йилги СССР ва республикаларнинг Жиноий қонунчилиги асосларининг (СССР Олий Кенгаши томонидан 1991 йил 2 июнда қабул қилинган, 2281-1-сон) қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, рецидив жиноятлар тушунчаси билан бир қаторда, 1991 йилги СССР ва республикаларнинг Жиноят қонунчилиги асосларида ўта хавфли

рецидивист тушунчасига ҳам изоҳ берилган. Унинг муҳим аломатлари сифатида 1958 йилдаги СССР ва иттифоқдош республикаларнинг Жиноий қонунчилиги асосларида худди шундай ҳолатлар келтирилган: жиноятларнинг қасддан содир этилиши характери, ушбу жиноятлар учун судланганлик, уларни воягаётган ёшда содир этиш. Шу билан бирга, 1991 йилги СССР ва республикаларнинг Жиноий қонунчилиги асосларига кўра, камида беш йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш талаб этилганлиги сабабли, ўта хавfli рецидивистлар деб тан олиниши мумкин бўлган шахсларнинг доираси сезиларли даражада чекланган. Бунда, 1991 йилги СССР ва республикаларнинг Жиноий қонунчилиги асосларида жиноятчини ўта хавfli рецидивист деб тан олиш учун етарли бўлган қасддан содир этилаётган жиноятларнинг рўйхати берилмаган ва мазкур ваколат республикаларнинг қонунчилигига киритилган.

1991 йилдаги СССР ва республикаларнинг Жиноий қонунчилиги асосларида ўта хавfli рецидивист тушунчасини шакллантириш ва унинг муҳим аломатлари қаторида қасддан содир этилаётган жиноят сифатида тан олиш шубҳасиз олға босилган қадам ҳисобланди. Шу билан бирга, қонун чиқарувчи рецидивистларни жамиятга келтираётган хавф даражаси мезони бўйича таснифлаш ғоясини тўлиқ амалга оширмаган, чунки у кўплаб олимларнинг хавfli рецидив жиноятларни ажратиб кўрсатиш ҳақидаги таклифларини эътиборсиз қолдирган.

Бундан ташқари, 1991 йилги СССР ва республикаларнинг Жиноий қонунчилиги асосларида жиноятчини ўта хавfli рецидивист деб тан олиш факультатив ҳуқуқ эканлиги, аммо суднинг мажбурияти эмаслиги, шунингдек, шахс ўта хавfli рецидивист деб топилганда, унинг ижтимоий хавфини, содир этилган жиноятларнинг сабабларини, жиноий ниятларнинг амалга оширилиш даражасини, жиноятни содир этишда иштирок этиш даражаси ва характерини ҳисобга олиш зарурлиги ҳақида кўрсатмалар келтирилмаган.

Шундай қилиб, СССР ва республикаларнинг 1991 йилги Жиноят қонунчилиги асослари СССР Олий суди Пленумининг 1963 йил 3 июлдаги 8-сон қарорида (Пленумнинг 1970 йил 18 мартдаги “Шахсларни ўта хавfli рецидивист деб топиш тўғрисидаги суд амалиёти ҳақида”ги 3-сон қарори таҳририда) баён этилган назария ва суд амалиёти томонидан ишлаб чиқилган ғояни эътиборсиз қолдиган. Мазкур қарор 1969 йил 11 июлдаги “СССР ва иттифоқ республикаларининг Жиноят қонунчилиги асосларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунда акс эттирилган [18]. Замонавий қонунчилик талқинида ушбу камчиликлар мос равишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 34-моддаси 2, 3-қисмларида бартараф этилган.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш нуқтаи назардан рецидив тушунчасини қўллаганда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига белгиланган қуйидаги қоидалар муҳим ҳисобланади. Олдинги қонунчиликдан фарқли ўлароқ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига “ўта хавfli рецидивист” тушунчаси келтирилмаган, фақатгина жиноятнинг “рецидиви”, “хавfli рецидиви” ва “ўта хавfli рецидиви” тушунчалари белгиланган. Демак, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига олдинги Жиноят кодексига қараганда ўта хавfli шахс ҳақида, шунингдек ЎР ЖКнинг махсус қисмида 1959 йилги ЎзССР ЖКнинг 231-моддасида (ўта хавfli рецидивист) кўзда тутилган жиноятчининг ўзига хос фазилатлари учун белгиланиши лозим бўлган кучайтирилган жавобгарлик тўғрисида қоидалар келтирилмаган [19].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида хавфли ва ўта хавфли рецидивнинг турлари учун кучайтирилган жавобгарлик кўзда тутилмаганлиги, шунингдек қонун чиқарувчи томонидан озодликдан умрбод маҳрум этиш, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва олиб ташланиши каби жазоларни тайинлаш масаласини қонун чиқарувчи томонидан ҳал этилиши жиноятчининг ўзига хос фазилатларига боғлиқ қўйлмаган, аммо улар, шахснинг ушбу фазилатлари сўзсиз намоён бўладиган, содир этилган жиноятларнинг фақатгина хавф даражаси билан боғланганлиги кам аҳамиятли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 34-моддасида рецидив ва уни турларининг аҳамиятли аломатлари келтирилган. Рецидив жиноят тушунчасининг моҳиятини аниқлаштириш учун, уни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ифодаланган бошқа турдош тушунчалар билан ўзаро боғланганлигини аниқлаб олиш зарур. Жиноят-ҳуқуқий адабиётларда ушбу тушунчалар билан белгиланган ходисани бир неча жиноятлар деб номлаш қабул қилинган.

Жиноятлар мажмуи ва рецидив ўртасидаги ўхшашлик шундан иборатки, ушбу ҳолатларнинг барчасида битта шахс томонидан бир нечта жиноятларни (ЎР ЖКнинг 33-моддаси 2-қисмига мувофиқ идеал жиноятлар мажмуи бундан мустасно) ҳар хил вақтда содир этилиши ҳақида сўз боради. Бошқа аломатлар бўйича жиноятлар мажмуи ва рецидив сезиларли фарқланади, бунда жиноятлар мажмуи ва рецидив ўртасида фарқ янада сезиларли даражада кўринади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 33-моддасига мувофиқ жиноятлар мажмуи учун “қуйидаги аломатлар хос:

- шахс томонидан иккита ва ундан ортиқ жиноятларни содир этиш;
- Жиноят кодекси Махсус қисмининг мустақил моддалари билан квалификация қилинадиган, яъни ўхшаш ва ҳар хил жиноятларни содир этиш;
- шахс содир этилган жиноятларнинг биронтаси учун судланмаган, яъни уларнинг барчаси ҳеч бўлмаганда битта жиноят учун ҳукм чиқарилганга қадар содир этилган” [20].

Мазкур бир неча жиноятларни жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятларнинг реал мажмуи деб номлаш қабул қилинган [20]. Жиноятлар мажмуи рецидивдан фарқланади, биринчидан, рецидивни ҳар хил вақтда қасдан содир этилган жиноятлар ташкил этса, жиноятлар мажмуини эса – турли кетма-кетликда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар ташкил этади. Иккинчидан, рецидивнинг энг аҳамиятли аломати бўлиб жиноятчида жиноятни содир этиш вақтида олдинги жинояти учун судланганлик ҳолатининг мавжудлиги ҳисобланади. Жиноятлар мажмуи эса аксинча иккита ва ундан ортиқ, шахс судланмаган жиноятларнинг содир этилишини кўзда туттади. Жиноятлар мажмуи фақатгина битта жиноят-ҳуқуқий оқибатга – Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддасида белгиланган жиноятчига жазони тайинлашнинг махсус тартибига эга.

Бир неча жиноят масаласини кўрганда, содир этилаётган жиноий қилмишнинг квалификациясига сезиларли таъсир этувчи такроран жиноят содир этиш ҳақида ҳам эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Жиноят қонунида “жиноятлар такроранлиги деганда, қонунга кўра шахс томонидан турли вақтларда қасддан содир этилган икки ва ундан ортиқ жиноят тушунилиб, бунда содир этилган жиноят:

– Жиноят кодекси Махсус қисми айнан бир моддасида назарда тутилган бўлиши, башарти унда бир хил жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлса;

– Жиноят кодекси Махсус қисми муайян моддаси айнан бир қисмида назарда тутилган бўлиши, башарти ушбу моддада турли жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлса (масалан, ЖК 228, 248, 273-моддалари) шарт.

– Жиноят қонунида алоҳида назарда тутилган айрим ҳолларда, шахс томонидан қасддан Жиноят кодекси Махсус қисми турли моддаларида назарда тутилган икки ва ундан ортиқ жиноят содир этилиши ҳам такроран жиноят деб топилади (масалан, ЖК 118, 119, 189, 211, 212-моддалари иккинчи қисмлари, 213-моддаси учинчи қисми, 276-моддаси иккинчи қисми)” [21].

– Яна бир қонунда қайд этиб ўтиш муҳим “шахс қонунда белгиланган тартибда жинойи жавобгарликдан (ЖК 64-68-моддалари) ёки жазодан (ЖК 69-76-моддалари) озод этилган бўлса, жиноятлар мажмуи ва такроранлиги мавжуд бўлмайди” [21].

Рецидивни олдини олишнинг радикал воситаси сифатида жазонинг кучайишига нисбатан назария ва қонунчилик учун анъанавий муносабат нафақат амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ўзгармас бўлиб қолмоқда, балки янада ривожланмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддаси 2-қисмида рецидивда тайинланадиган жазонинг мумкин бўлган максимал миқдори белгилаб қўйган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 572-моддасида (Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш) шу белгиланганки, Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори Жиноят кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги керак[22].

Рецидив жиноятларнинг жинойи-ҳуқуқий аҳамияти ҳақида гапирганда, шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддаси “н” бандига мувофиқ у оғирлаштирувчи ҳолат деб топилади. Узоқ вақтдан буён маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тизими жуда тартибли ва қонунга киритилган барча нарсалар давлат ва жамият учун муҳимлик даражасига қараб, градация бўйича жойлаштирилган. Шундай қилиб, рецидив жиноят ҳолатида: оғирлаштирувчи ҳолатлар рўйхатида у ўн учинчи ўринда туради. Бу билан, қонун чиқарувчи жазо тайинлашда ҳуқуқни қўлловчига жиноят биринчи марта содир этилганми ёки жиноятчининг ҳаракатларида рецидив жиноятлар аломатлари кўриниб турадими деган масалани кўриб чиқиши кераклигини таъкидлайди. Бу жазони индивидуализация қилиш принципини амалга оширишда муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Ҳеч қандай шубҳа йўқки, жиноятларнинг рецидиви ҳуқуқий моҳияти билан оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Ушбу аломатнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддаси “н” бандида мавжудлиги шубҳасиздир.



Суд томонидан рецидив жиноятнинг квалификацияси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқий оқибатларга олиб келади:

– жиноятнинг рецидиви жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топилади (ЎР ЖКнинг 56-моддаси 1-қисми “н” банди);

– жиноятнинг рецидиви айбдорга нисбатан оғирроқ жазо қўлланилиши билан боғлиқ жазо тайинлашнинг махсус тартибига олиб келади (ЎР ЖКнинг 60-моддаси);

– жиноятнинг рецидиви озодликдан маҳрум этиш тарзидаги айбдор жазони ўташининг махсус қоидаларга олиб келиши мумкин (ЎР ЖКнинг 50-моддаси 7-қисмининг “в”, “д” бандлари, 8-қисмининг “с”, “а” банди, 9-қисмининг “а” банди);

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 60-моддасига мувофиқ жиноятнинг рецидивидан суд жазони кучайтириши шарт.

Шу муносабат билан профессор М.Х.Рустамбаев қуйидагиларни қайд этади: “Умумий қисм нормаларида рецидив жиноятлар:

– Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддаси 1-қисми “н” бандига мувофиқ жазони тайинлашда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин;

– Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлашнинг махсус тартибини белгилайди;

– жазони ижро этиш даъво муддатини ўташни тўхтатиш учун асос ҳисобланади (ЎР ЖКнинг 69-моддаси 2-қисми);

– Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасида 7-қисмида кўрсатилган шартлар мавжуд бўлганда шартли ҳукми қўллаш учун тўсиқ ҳисобланади;

– айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш учун тўсиқ ҳисобланади (ЎР ЖКнинг 71-моддаси 1-қисми);

– жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўллаш (ЎР ЖКнинг 73-моддаси) ва жазони енгилроғи билан алмаштириш учун (ЎР ЖКнинг 74-моддаси) жазони ҳақиқий ўташ муддатини кўпайтириш учун асос ҳисобланади” [23].

Шу билан бирга, бу ерда ушбу муҳим масалани ҳал қилишда суднинг формал ёндашувини истисно қиладиган иккита жуда аҳамиятли шартлар мавжуд.

**Биринчи шартда** такроран жиноятнинг рецидивидан, илгари содир этилган жиноятларнинг сони, моҳияти ва жамоат хавфлилиги даражаси, аввалги жазонинг тузатув самараси етарли бўлмаган ҳолатлар ҳисобга олинади. Худди шу нарса янги содир этилган жиноятларнинг жамоат хавфлилиги хусусияти ва даражасига нисбатан тегшли (ЎР ЖКнинг 60-моддаси 1-қисми). Шундай қилиб, унинг юқори чегараси ушбу шахс томонидан содир этилган жиноят учун жиний жавобгарликни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги моддасининг санкцияси билан белгиланади.

**Иккинчи шарт** ЎР ЖКнинг 57-моддаси 1-қисмида ифодаланган: суд жазони рецидивдан ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисмида назарда тутилган энг кам чегаралардан паст бўлган тақдирда, лекин фақат ЎР ЖКнинг 55-моддасида санаб ўтилган истисно ҳолатлар мавжуд бўлганда жазо тайинлаши мумкин. Бу ерда кўплаб ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, жиноят қасос бўлмаслиги учун жазоланишнинг максимал даражада индивидуализация қилиш ғояси аниқ кўринмоқда.

Рецидивнинг криминологик тушунчаси жиноят-хуқуқийдан сезиларли даражада фарқланади. Бу хуқуқий тартибга солиш предмети ва методидаги мавжуд фарқлар билан изоҳланади. Жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг профилактика қилиш назарияси ва амалиёти учун қуйидагиларни белгилаш муҳим:

- а) инсонни жиноятни содир этишга нима ундирди;
- б) ушбу қилмишга жамият ва давлатнинг таъсирланиши адолатли бўлганми;
- в) жазо самарали бўлдими;
- г) жазо муддатини ўтаб олгандан сўнг инсонни жамиятга қайтариш тизими самаралими;
- д) нимага шахс такроран жиноятни содир этди;
- е) бу каби қилмишлар такроран содир бўлмаслиги учун қанақа чораларни кўриш лозим.

Криминологияда рецидивнинг бир нечта тушунчалари мавжуд. Масалан, А.Ф. Зелинский “рецидив – бу турли жиноятлар учун илгари судланган ёки жамоат таъсири чоралари кўрилган, айбдорда судланганликнинг характери ва мавжудлигига қарамай, шахс томонидан янги жиноятни содир этиш” [24] деб ҳисоблаган. Демак у криминологик рецидивнинг қуйидаги аломатларини ажратиб кўрсатган:

- шахс томонидан ушбу жиноят учун белгиланган жавобгарлик туридан қатъи назар, жиноятни содир этиши;
- ўша шахс томонидан ҳар қандай характер бўйича янги жиноятни содир этиш;
- илгари содир этилган жиноятлар учун судланганликнинг мавжудлиги ёки йўқлиги аҳамиятли эмас.

А.М. Ниедре криминологик рецидивни янада торроқ тушунади, унинг фикрича унинг таркибига жиноят-хуқуқий рецидив, жиноятларнинг ҳақиқий мажмуи, шунингдек, шахс илгари жинояти учун судланликни узгандан сўнг такроран жиноят содир этган ҳолатлар ҳам киради, аммо жиноятлар ўртасида “жиноий ниятларнинг барқарорлиги” ҳақида далолат берувчи боғлиқлик мавжуд деб ҳисоблайди. Бунда, у бундай алоқанинг мавжудлигини ёки йўқлигини аниқлаш мумкин бўлган мезонларни келтирмайди, “жиноий ниятларнинг барқарорлиги” дегани нимани англатишини тушунтирмайди [25].

А.И. Урмонас криминологик рецидивнинг қуйидаги юридик аломатларини санаб ўтади: биринчи (олдинги) жиноятни содир этиш факти, биринчи (олдинги) жиноят учун айбловчи ҳукмнинг мавжудлиги, иккинчи (ёки кейинги) жиноятни содир этиш факти [26]. Сўнгги ўн йилликлар давомида нашр этилган ўқув адабиётларини таҳлил қилиш, криминологик рецидивни тушунишда бир хиллик мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

Криминология дарслигининг муаллифлари (1979), эътиборни совет жиноят қонунчилигида “рецидив белгиланмаганлигига”, унда фақат ўта хавfli рецидивист тушунчаси берилганлигига қаратишган, улар “криминологик тадқиқотлар предметида жиноят содир этган, лекин ўрнини босувчи чораларни қўллаган ҳолда жиноий жазодан озод қилинган шахслар ўртасидаги рецидив киради” деб ҳисоблашган.

Масалан, “Криминология” дарслигининг (2001 й.) маҳаллий муаллифлари рецидивнинг муҳим аломатлари сифатида, аввалги қилмиши учун судланганидан кейин, судланганлик олиб ташланмаган бўлса такрорий жиноятни содир этишни

келтиришади. Аввалги содир этилган жиноят учун шахс томонидан жазони ўташ ҳисобга олинмайди. Демак, муаллифлар жиноят ҳуқуқида криминологик рецидив тушунчасини “қонуний” рецидив тушунчасига яқинлаштиришмоқда [27].

“Криминология (Умумий қисм)” дарслигининг (1996 й.) муаллифлари З.С. Зарипов ва И. Исмаилов рецидив тушунчасини келтирмайдилар, аммо криминология дарсликлари (Курс советской криминологии. – М.: Юридическая литература, 1985. – С. 282–308; Криминология. – М., 1094. – С. 111.) муаллифларининг фикрларига қўшилишади [28].

А.А. Шамансуров ва О.Б. Муродовлар “Криминология” дарслигининг Х-бобида (2006), криминологик рецидивга “битта шахс томонидан аввалги жиноий хатти-ҳаракатларидан кейин ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг таъсирланиш предметига айланган кейинги жиноятнинг барча ҳолатлари қамраб олинади” деб ҳисоблашади. Шахс ушбу қилмишлари учун судланганми ёки йўқми, судланганлик олиб ташланганми ёки йўқми бунга боғлиқ эмас” [29].

Шунга ўхшаш тушунчалар криминология бўйича Ўзбекистонда нашр этилган бошқа дарсликларда ҳам берилган.

В.Н. Кудрявцева и В.Е. Эминова таҳрири остидаги “Криминология” дарслигида (1995 й.) криминологик рецидив деганда илгари содир этган жиноятлар учун судланганлиги олиб ташланганлиги ёки йўқ қилинганлигидан қатъи назар, уларга нисбатан жиноий жазо ёки унинг ўрнини босувчи чоралар қўлланилган шахслар томонидан ҳам, жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари бир сабабга кўра қўлланилмаган шахслар томонидан ҳам жиноий жавобгарликка тортилган хатти-ҳаракатларни содир этиш тушунилади. Бу ерда тушунчанинг иккинчи қисмига аниқлик киритиш лозим. Чунки, агар жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилмаса, жиноятнинг воқеаси мавжуд эмас ёки у яширин характерга эга.

Н.Ф. Кузнецова рецидив деганда “ҳақиқий” рецидивни, яъни судланганликнинг мавжудлиги, ечилганлиги ёки олиб ташланганлигидан қатъий назар барча такрорий жиноятларни қамраб олувчи рецидивни тушунади [30].

А.И. Долгова криминологик рецидивнинг қуйидаги тушунчасини беради: криминология илгари жиноятларни содир этган шахслар томонидан содир этилган барча жиноятларни, агар аввалги жиноятлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига маълум бўлса ва таъсирланиш предметига айланган бўлса, уларни рецидив деб номлайди [31].

Бу билан муаллиф криминологик рецидивнинг мавжудлигини қуйидаги учта омил билан боғлайди:

- 1) жиноий фаолиятнинг ягона бўлмаслиги;
- 2) бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларнинг хабардорлиги;
- 3) қонунчиликка асосланган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг таъсирланиши.

Демак, агар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари жиноят факти тўғрисидаги хабарга ҳеч қандай муносабат билдирмаган бўлсалар ёки коррупция, ваколатга эга бўлмаслиги ёхуд бошқа сабабларга кўра ушбу фактларни қаровсиз қолдирган бўлса, унда ҳеч қандай рецидив бўлмайди. Бизнинг фикримизча, криминологик рецидив муаммосига бундай ёндашиш нотўғри, чунки рецидив ҳуқуқни қўлловчининг субъектив баҳоларига боғлиқ бўлмаган объектив равишда мавжуд бўлган тоифа ҳисобланади.

Фикримизча, рецидивнинг энг тўлиқроқ таърифи И.М. Галперин томонидан берилган: “Криминологик рецидив жиноятлар содир этилганлиги учун судланганлиги, жазони ўташ муддати, биринчи ва кейинги жиноятлар ҳамда ҳақиқий ва юридик характерга эга бошқа ҳолатлар учун ўтган вақт оралиғидан қатъи назар, такроран ёки кўп маротаба содир этилишидан иборат” [32].

Демак, фикримизча, криминологик рецидив деганда жинойий жавобгарлик ёшига етган шахс томонидан амалга ошириладиган такрорий жинойий фаолиятни тушуниш керак.

Криминологик рецидив тушунчасига аниқлик киритиб, рецидив жиноятчилик тушунчасига мурожаат қиламиз.

Афсуски, рецидив жиноятчиликнинг қонуний тушунчаси мавжуд эмас, бу нафақат назариячилар, балки амалиётчилар томонидан ҳам қайд этилади; Жиноятчиликка қарши курашишни кучайтириш бўйича давлат дастури ва Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунида (2014 й.) мазкур тушунча мавжуд эмас.

Мантиқий мулоҳазаларни юритиш орқали қуйидаги хулосани чиқаришимиз мумкин: рецидив жиноятчилик – бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маълум вақт ичида, илгари жиноят-ҳуқуқий чоралар кўрилган шахслар томонидан, жинойий қилмишдаги айбдорлик шакли ва судланганликни олиб ташлаш муддатининг ўтишидан қатъи назар содир этилган барча жинойий ҳаракатлардир.

Моҳияти бўйича рецидив жиноятчилик кўп қиррали бўлиб, бир хил эмас. У фақат ўзига хос қонунлар ва ўзаро боғланишлар билан тавсифланади.

Криминологияда рецидивнинг қуйидаги турлари ажратилади:

1. Жамиятга соладиган хавфнинг характери бўйича:

а) оддий; б) хавфли; в) ўта хавфли.

2. Жинойий фаолиятнинг мазмуни бўйича:

а) умумий; б) махсус.

3. Рецидивист шахснинг хусусиятлари бўйича:

а) аёллар рецидиви; б) вояга етмаганларнинг рецидиви.

4. Шахсни жазони ўташдан озод қилиш ва янги жиноят содир этиш ўртасидаги вақт оралиғига кўра:

а) вақт давомида узоқ бўлмаган рецидив – озодликдан маҳрум этиш жойларидан чиқиш вақтидан бошлаб 3 йилгача;

б) вақт давомида узоқ рецидив – озодликдан маҳрум этиш жойларидан чиқиш вақтидан сўнг 3 йилдан кўпроқ.

5. Битта шахс томонидан содир этилган жинойий қилмишларнинг миқдори бўйича:

а) такрорий рецидив; б) кўп маротабали рецидив.

Жиноят ҳуқуқининг предмети қуйидагиларни ўз ичига олади:

– жиноятни (тушунчалар ва аломатларни) ўрганиш;

– жиноят таркибини (объект, объектив томон, субъект, субъектив томон) ўрганиш;

– жазони (мақсади, турлари, тайинлаш қоидалари) ўрганиш.

Жиноят ҳуқуқининг предметида, унинг қуйидаги мақсади ҳам келиб чиқади: жинойий қилмишларни тўғри квалификациялаш, адолатли жазони тайинлаш учун фан предмети элементларининг асосий аломатларини аниқлаш.

Криминология предметининг хусусиятлари ҳам мазкур ҳуқуқий фаннинг ўзига хос методологиясини ва вазифаларини келтириб чиқаради.

Бу ердан криминологиянинг қуйидаги хусусиятлари ва мақсадлари келиб чиқади: у ёки бу жиноят турларини юзага келтирувчи сабаблар ва шарт-шароитларни йўқ қилиш бўйича тавсияларни, жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш.

Юқоридагилардан қуйидаги хулосани чиқариш мумкин:

**биринчидан**, баъзи олимларнинг жиноят қонунчилиги ва криминология томонидан рецидивни ягона тушунча сифатида қабул қилиш зарурлиги тўғрисида айтган сўзлари илмий асосга эга эмас.

Криминологияни мустақил фан сифатида тан олиш криминологиянинг методологик муаммоларини ишлаб чиқишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида тадқиқотнинг мавзуси ва мақсадларига мос келадиган ўзининг тушунчалар аппаратини шакллантиришни талаб қилади.

Бизнинг фикримизча, шахсга нисбатан зўравонлик рецидив жиноятчиликни қонуний таърифлаш, уни профессионал ва уюшган жиноятчилик билан аниқ дифференциациялаш зарурати юзага келган. Чунки у жамиятга, давлат хавфсизлигига ҳақиқий таҳдид ҳисобланади.

**иккинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг “Рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш тўғрисида” га Қонунини ишлаб чиқиш зарур.

Қуйидаги бўлимлар унинг асосий қоидалари бўлиши керак:

- рецидив жиноятчиликнинг тушунчаси;
- рецидив жиноятчиликнинг тавсифлари;
- жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича республика даражасидаги чора-тадбирлар;
- жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича маҳаллий даражасидаги (вилоят, туман, шаҳар, маҳалла) чора-тадбирлар;
- рецидив жиноятчиликни олдини олиш субъектлари.

**учинчидан**, Рецидив жиноятчилик тушунчасини ҳуқуқий шакллантириш ва тушуниш белгиланган муаммоларни ҳал қилиш йўлидаги биринчи ва жуда муҳим қадам ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Таганцев Н.С. Повторение преступлений. – СПб.: Университет, 1867. – С. 234; Сергиевский Н.Д. Наказание в русском праве 17 века. – СПб.: Университет, 1987. – С. 211.
2. Познышев С.В. Учебник уголовного права. Общая часть. – М.: МГУ, 1923. – С. 185.
3. Энциклопедия государства и права. Т. 3. – М.: МГУ, 1930. – С. 540.
4. Шаргородский М.Д. Наказание по советскому уголовному праву. – М.: Гсюриздат, 1958. – С. 43; Яковлев А.М. Борьба с рецидивной преступностью. – М.: Юридическая литература, 1964. – С. 8–9; Ефимов М.А., Шкурко В.А. Рецидивная преступность и ее предупреждение. – Минск: Высшая школа, 1977. – С. 8.
5. Гришанин П.Ф. Ответственность преступников-рецидивистов по советскому уголовному праву: Учебное пособие. – М.: Академия МВД СССР, 1974. – С. 58–59.
6. Шаргородский М.Д. Указ. соч. – С. 41; Яковлев А.М. Указ. соч. – С. 10; и др.

7. Попов В.И. Возникновение и развитие понятия рецидива преступлений по русскому дореволюционному уголовному праву // Труды Киевской ВШ МВД СССР. Вып. 5. – Киев. 1971. – С. 149.

8. Закон УзССР от 30 мая 1961 г. // Ведомости Верховного Совета Уз ССР, 1961 г., №16; Указами Президиума Верховного Совета УзССР от: 28 июня, 1961 г., №19; 29 января 1970 г.; 28 мая 1973 г.; 27 сентября 1974 г.; 30 июня 1980 г.; 1 октября 1982 г.; 1 марта 1988 г. – Ведомости Верховного Совета Уз ССР, 1961 г. 16, ст.2; 1970 г., №4, ст. 24; 1973 г., №16, ст. 219; 1974 г., №27, ст. 324; 1980 г., №19, ст. 334; 1982 г., № 28, ст. 492; 1984 г., № 7, ст. 107; 1987 г., № 23, ст. 247 и 250; 1988 г., № 9, ст. 104).

9. Пункты 16, 17 постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан № 13 от 15 мая 2008 года «О вопросах квалификации деяний при множественности преступлений» (с изменениями и дополнениями, внесенными постановлением Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 13 декабря 2012 года № 19) // Сборник постановлений Пленума Верховного суда Республики Узбекистан (2006-2014 гг.). – Т.: «Адолат», 2014. – С. 516–517.

10. Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан. Том 1. Общая часть: Учение о преступлении. Учебник для ВУЗов. 2-издание, дополненное и переработанное. – Т.: Военно-технический институт Национальной гвардии Республики Узбекистан, 2018. – С. 399.

11. Кафаров Т.М. Проблема рецидива в советском уголовном праве. – Баку: БГУ, 1972. – С. 26.

12. Кафаров Т.М. Указ. соч. – С. 112.

13. Шутов Ю.И. Рецидивная преступность и меры борьбы с ней по советскому уголовному праву: Автореф. дисс. ... канд.юрид. наук. – С. 16–17.

14. Ткачевский Ю.М. Освобождение от отбывания наказания. – М.: Юридическая литература, 1970. – С. 37–44.

15. Сергиевский Н.Д. Русское уголовное право: Пособие к лекции. – СПб., 1911. – С. 217.

16. Ефимов М.А., Шкурко В.А. Указ. соч. – С. 119.

17. Утевский Б.С. Преступность и рецидив // Современная преступность (преступление, пол, репрессия, рецидив). – М.: МГУ, 1927. – С. 32.

18. Ведомости Верховного Суда СССР. – Москва, 1969. – № 29. – С. 249.

19. Уголовный кодекс Узбекской ССР. – Т.: Издательство «Узбекистан», 1977. – С. 22–25.

20. Рустамбаев М.Х. Указ. соч. – С. 392; Уголовное право. Общая часть. Учебник. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2005. – С. 100; Уголовное право России. Общая часть: Учебник / Отв. ред. докт. юрид. наук Б. В. Здравомыслов. – М.: Юрист, 1996. – С. 293.

21. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 5 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги қарорининг 2,3-бандига қаранг.

22. Статья 572 введена Законом Республики Узбекистан от 18 февраля 2021 года №ЗРУ-675 // Национальная база данных законодательства, 18.02.2021 г., №03/21/675/0126.

23. Рустамбаев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Общая часть. / М.Х. Рустамбаев. – Т.: ИПТД «O,qituvchi». 2004. – С. 307.
24. Зелинский Д.Ф. Рецидив преступлений (структура, связи, прогнозирование): Автореф. ... дисс. ... докт. юрид. наук. – М.: МВШМ МВД, 1978.
25. Ниедре А.М. Рецидив как криминологическое понятие. – Киев: КГУ, 1967. – С. 34.
26. Урмонас А.И. О понятии рецидива преступлений // Сборник научных работ. – Вильнюс: ВГУ, 1975. Вып. 5. – С. 171–177.
27. Усмоналиев М., Каракетов Й. Криминология: Дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2001. – С. 167–168.
28. Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология (Умумий қисм). Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1996. – Б. 124.
29. Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Г.А. Аванесов ва бошқ.; проф. З.С. Зарипов тахрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – Б. 204.
30. Кузнецова Н.Ф. Криминология: Учебное пособие. – М.: Юридическая литература, 1966. – С. 90.
31. Долгова А.И. Криминология. – М.: Криминологическая Ассоциация, 1997. – С. 727.
32. Гальперин И.М. Об уголовной ответственности рецидивистов в свете некоторых криминологических показателей эффективности борьбы с рецидивной преступностью // Эффективность уголовно-правовых мер борьбы с преступностью / Под ред. Б. С. Никифорова. – М., 1968. – С. 58.